



2013 йил 25 апрель, пайшанба, 16 (492)-сон


XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXlasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Инновациялар тараққиётга хизмат қилади

3 ИСЛОҲОТ



Қўйи бўғин — асосий таянчимиз

5 ХУДУДЛАРДА



Чанқоқ таҳдиди

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ОЛИМПИАДА

БИЛИМ, ҚОБИЛИЯТ ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

Тошкентда Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси очилди

Ҳар қандай халқ, давлат ва жамият тараққиёти инсон ҳамда унинг манфаатларини ривожлантиришга нечоғли эътибор қаратаётгани билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, олимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, унибўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир. Айнан шу боис чуқур билимга эга баркамол авлодни шакллантириш, янгиликларни қабул қилиш ва давр билан ҳамқадам юрадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатимиз ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

8 >>>

«ТАСВИРИЙ САЊАТ ФЕСТИВАЛИ»



ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРГА ИЛҲОМ БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган «Тасвирий санъат фестивали» ҳафталиги доирасида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий ишларидан иборат бадий кўргазма ташкил этилди

2 >>>

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANGAN «СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар! Хурматли конференция иштирокчилари!

Авваламбор, сиз, азизларни — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган халқаро анжуман қатнашчиларини, Жамғарманинг барча ходимлари ва фаолларини бугунги кўтлуг сана билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мустақил Ўзбекистон тарихида ҳукуматга қарашли бўлмаган биринчи жамғарма сифатида ташкил топган, ноёб ва бетакрор ҳусуниялари билан ажралиб турадиган ушбу ижтимоий тўғриликка эришган давр мобайнида ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда кўпгина ютуқ ва марраларга эришди.

Айниқса, юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилишдек эзгу мақсадга қаратилган, дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган «Соғлом она — соғлом бола» дастурини ҳаётга жорий этишда Жамғарманинг беқисс ўрни ва моҳиятини ўлчай ва баҳолаш қийин. Азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оилага меҳ-

ри ва садоқати билан танилган эл-юртимизнинг, халқимизнинг қалбида доим сақланиб келаётган бундай олижаноб интилишлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда том маънодаги умуммиллий ҳаракатга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

2 >>>

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантириш ва тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини оширишдаги катта хизматлари учун фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»
Инамова Светлана Турсуновна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш

ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фол иштироки учун кўйилганлар мукофотлансин:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан Нурметова Реймажон Абдуллаевна — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Боғот тумани таянч пункти директори, Хоразм вилояти

2 >>>

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOV 24 APRIL KUNI OQSAROIDA AQSH DAVLAT KOTIBINING JANUBIY VA MARKAZIY OSIYE BUIYICHA ERDAMCHISI ROBERT BLEYKNI QABUL QILDI

Давлатимиз раҳбари икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари узоқ муддатли асосда барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Давлатлараро муносабатлар ва ишбилармон доиралар, фан-таълим соҳаси, Ўзбекистон ва АҚШнинг фуқаролик жамиятлари вакиллари билан самара-

ли ҳамкорлиги ўзаро хурмат ва манфаатларни инобатга олиш тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда.

Суҳбат асосида томонлар долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, жумладан, Афғонистондаги ҳозирги вазият юзасидан фикр алмашди.

Давлат котибининг ёрдамчиси самимий қабул ҳамда Ўзбекистон-АҚШ

муносабатларига доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди, АҚШ раҳбарияти турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида бундан бундан ҳам биргалликда иш олиб бориш тарафдори эканини қайд этди.

(ЎЗА).



А.А. АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) оғани сураёт

Соғлом авлод — миллат келажаги

ТОШКЕНТДА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШLANGAN «СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда Ўзбекистон парламенти аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари раҳбарлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва унинг таркибий бўлимлари ходимлари, мамлакатимиз ва бошқа давлатлар тиббиёт муассасалари мутахассислари, жамғарманинг ҳамкорлари

— халқаро ташкилотлар вакиллари, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган

«Соғлом авлод — миллат келажаги» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

2 >>>

О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИДА

Янги қонун лойиҳалари муҳокамаси

О'ZLIDER ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ МАНФААТЛАРИНИ ЯНАДА САМАРАЛИ ҲИМОЯ ЭТИШДА МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Фракция аъзолари дастлаб «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжат Президентимизнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.



С.А. АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) оғани сураёт

Янги қонун лойиҳасига қўра, мамлакатимизда қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан док-

тор илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизimini жорий қилиш, стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институти бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланув-

3 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 23 апрелдан бошлаб валюта операцияларини бўлиб-бўлиб ҳисоб, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари	▼ 2121,58
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3137,37
1 Дания кронаси	▲ 361,29
1 БАА дирҳами	▲ 560,80

1 АҚШ доллари	▲ 2059,59
1 Миср фунти	▼ 298,35
1 Исландия кронаси	▲ 17,65
1 Канада доллари	▼ 2009,75

1 Ҳитой юани	▲ 333,24
1 Малайзия рингити	▲ 677,72
1 Польша злотийси	▲ 657,30
1 СДР	▲ 3101,72

1 Туркия лираси	▼ 1144,79
1 Швейцария франки	▼ 2209,86
1 ЕВРО	▲ 2696,17
1 Жанубий Корея вони	▲ 18,36

10 Япония иенаси	▼ 206,39
1 Россия рубли	▼ 65,47
1 Украина гривнаси	▲ 257,67

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажор валюталарни ушбу қийматда сотиш еки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



ЖИЗЗАХ.

О'ZLIDER ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШЛАРИ АППАРАТ РАҲБАРАЛАРИ ВА ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ. ТАДБИР ЯКУНИДА ПАРТИЯ САФИГА ЯНГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА АЪЗОЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ.



ХОРАЗМ.

«ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИ ЙўНАЛИШИДАГИ НАВБАТДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР» — О'ZLIDER ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ЎТКАЗИЛГАН АМАЛИЙ ЎҚУВ-СЕМНАР АНА ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ. УНДА О'ZLIDER ДАСТУРИ ВА САЙЛОВЛАДИ ПЛАТФОРМАСИДА БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

2013 йил 25 апрель, пайшанба, 16 (492)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

ТАДБИР

ОҒОҲЛИККА ДАЪВАТ

«Миллий ўзликни англаш: оғоҳликка даъват», «Баркамол авлодни шакллантиришда ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати» — Наманган вилояти Поп тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлимида қошидаги бошланғич партия ташкилотлари томонидан ўтказилган семинар ана шу мавзуларга бағишланди. Тадбирда асосий эътибор Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарининг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли, хусусан, ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларни оғоҳликка даъват этиш, гоёвий баркамолликка эришишда илм-фан ва таълим самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларга қаратилди. Таъкидланганидек, истиклол тўғрисида ҳақиқатни ўзи белгилаш ҳуқуқини кўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганиги, ўтган қисқа давр мобайнида оламшумул ютуқларга эришганини таъминлаш лойиқидир. Семинар қатнашчилари Президентимиз китобида баён қилинган гоё ва мақсадларни тарғиб этишда БПТларнинг сиёсий фаолигини ошириш, ёшларни коммунал инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг онгини ривожлантиришда жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари хусусида фикр юритиб, бу борада муҳим тақлифларни ўртага ташладилар.



ЭНДИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДА ҲАМ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» БОР

О'ZLiDePнинг кўйи бўғинлари хотин-қизлар ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш каби партия дастурда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди. Шунинг билан бирга О'ZLiDeP «Аёллар қаноти» йил бошидан жойлардаги ҳудудий партия ташкилотларидаги партия аъзолари сонини 100 нафардан ошган БПТларда «Аёллар қаноти» гуруҳларини ташкил этиш масаласини илгари сурганди. Ана шу ташаббус натижаси ўлароқ ҳозир партиянинг 22 та йирик бошланғич ташкилотларида «Аёллар қаноти» гуруҳи ташкил этилди. Уларда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини оширишга доир тадбирлар тарғиботи кенг йўлга қўйилди.



Мансур АСЛОНОВ, «XXI asr»

Ташкилий йиғилишда шаҳар партия кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ирода Пардасва сўзга чиқиб, жамиятни демократлаштириш, барча соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда О'ZLiDeP ҳамда унинг жойлардаги кўйи бўғинлари етакчи сиёсий кучга айланиб бораётганлигини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, тадбирда янги БПТнинг 2013 йилги иш режаси белгилаб олинди.

— О'ZLiDePнинг гоё ва мақсадлари мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнига ҳамроҳлиги, унинг тадбиркору ишбилармон вакиллари манфаатларининг ҳимояси сифатида майдонга чиққанлиги, хусусий бизнес субъектларини жадал ривожлантириш, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ишига қўшаётган ҳиссасини ҳисобга олсак, масала ўз-ўзидан ойдинлашади, — деди БПТ фаолларидан бири, цех бошлиғи Дилмурод Эргашев. — Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'ZLiDeP фракциясининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида жаҳон андозаларига мос қонунлар қабул қилиш борасидаги фаолиги эътиборга моликдир. Шуларни ҳисобга олиб, мен Ўзбекистон либерал-демократик партияси сафига



киришга қарор қилдим. Мақсадим эл-юрт ишига кўпроқ ҳисса қўшиш, билдирилган ишонччи тўла оқлашдир.

Сўзга чиққанлар, шунингдек, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига ба-

ғишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги Президент маърузасининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш, маҳаллийлаштириш ва модернизациялаш жараёنларини жадаллаштириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардор маҳсулотлар иш-

лаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, бу борада О'ZLiDePнинг куч ва имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар.

Тадбирда бирлашманинг техника бўлими ҳузуридаги сифат меъножменти тизими раҳбари Гулбиби Муртазоева кўпчилик овоз билан БПТ раислигига сайланди.

Мақсадлар муштарак бўлган жойда...

БУГУНГИ ИСЛОХОТЛАР ЖАРАЁНИДА ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ ЙўЛИДА СИДҚИДИЛДАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ПАРТИЯВИЙ МЕЗОНГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Носир ТОШЕВ, Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»

Бухоролик маслакдошлар буни диддан ҳис этиб, ўз бурчларига алоҳида масъулият билан ёндашишмоқда. Хусусан, Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бошқармаси ҳамда «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими қошидаги бошланғич партия ташкилоти саъй-ҳаракати билан амалга оширилаётган ибратли ишлар фикримизга мисол бўлиши мумкин. Бандлик муаммосини ҳал этиш, ёшларда солом тафаккурни шакллантириш, меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат жойларида касаначиликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундан ўн йилча аввал БПТ раиси Зулайҳо Каримова ташаббуси билан Когон шаҳрида тўқув цехи ташкил этилган эди. Ҳаракатда — баракад, деганларидек, секин-аста патдўзлик, зардўзлик цехлари ҳам ишга туширилди. Айни кунда бу ерда қўлпаб ёшлар фаолият юритишмоқда. Улар бундан қўлди дегунча, устоз ҳузурига оши-қадилар. Зулайҳо опа эса ҳамон ўша-ўша: хушмуомала ва гамхўр, кези келганда қатъиятли ва талабчан. Хўплас, партия етакчиси учун қандай ижобий хислатлар зарур бўлса, барчаси унда мужжасам.

«Олтин мерос» жамғармаси вилоят бошқармаси Бухородаги тарихий ёдгорликлардан бири — Кўкалдош мадрасасида жойлашган бўлиб, касаначилик фаолиятига қизиққан хотин-қизлар бу ерга тез-тез келиб туришади. Опахон улардан ўз ёрдами билан улар каштачилик, тасвирий санъат, гиламдўзлик соҳалари бўйича етарли билим ва малакага эга бўлиб, мустақил ҳаётга ишонч билан қадам қўйишмоқда. Машгулотларини ўз касбининг усталари Феруз Қурбонов, Ҳакимжон Файзуллаев, Шамшод Наимов каби О'ZLiDeP фаоллари олиб бориша-япти.

Кези келганда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Жойларда гоёвий-сиёсий ишларни кучайтириш билан бир қаторда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган тадбиркорлар, айниқса,

чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. О'ZLiDeP аъзолари иштирокида ҳозиргача Жондор,

О'ZLIDER ДАСТУРИДА

ПАРТИЯ УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, ИШСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ, АВВАЛАМБОР, ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ НИҲОЯТДА ЗАРУР ВА КАЧИҚИРИБ БЎЛАЙДИГАН ВАЗИФАДИР. БУ МАСАЛАНИ ЕЧИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ СИФАТИДА ПАРТИЯ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, ИЖТимоий АҲАМИЯТГА ЭГА СОҲАЛАРДА МЕҲНАТГА БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРИШ КЕРАК, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

Ғиждувон, Ромитан, Когон туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида «Ўз бизнесининг бошла» мавзусида семинар-машгулотлар, маҳорат дарслари, бизнес-учрашувлар ўтказилдики, улар салмоқли натижалар бераётди. Умуман, хотин-қизларни тадбиркорлик, кичик бизнес, касаначилик соҳаларига кенг жалб этиш БПТ ва унинг етакчиси фаолиятида алоҳида ўрин тутади, десак асло хато бўлмайди. Қолаверса бу айни кундаги долзарб масалалардан биридир.

Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида «Олтин мерос» жамғармасининг вилоят бошқарма-

сида ибратли тажриба тўпланган. Айни кунда Бухоро туризм келлежи ўқувчи-ёшларидан бир гуруҳи моҳир хунарманлар раҳбарлигида ўз маҳоратларини оширишмоқда. Улар коллежни битиргач, доимий иш билан таъминланадилар.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. БПТ фаоллари Бухоро шаҳридаги 9-маҳалла фуқаролар йиғини ўрамадаги ҳовли-жойлар, шунингдек, вилоят марказининг Мехтар Анвар, Баҳоуддин Нақшбанд, Поний Остона, Чорминор, Хўда Таъбат, Навоий

кўчаларидаги хонадонларда ҳам бўлиб, аҳоли билан турли мавзулар, жумладан, О'ZLiDePнинг дастурий мақсад ҳамда вазифалари, Сайловолди платформасида кўзда тутилган истиқболли режаларнинг амалдаги ижроси юзасидан учрашув ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Халқ депутатлари Бухоро шаҳар кенгашининг депутати З.Каримова сайловчилар ишончини қозониш, ҳаётини муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш йўлида куч-ғайратини аямайди. Қатор хунарман-шоғирдлари пойтахтимиз Тошкентда йилга икки марта ўтказиладиган «Базар-Арт» тадбирида ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Бу, шубҳасиз, БПТ раисининг иқтидори ва катта ташкилотчилигидан далолат беради.

— Бугунги ислохотлар жараёни зиммамизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди БПТ етакчиси. — Демак, билдирилган ишонччи тўла оқлаш учун фаолликни янада оширишимиз лозим. Айни пайтда бошланғич ташкилот ҳисобида 22 нафар О'ZLiDeP аъзоси бўлиб, улар ўз касби ва эътиқодига содиқ инсонлардир. «Сиёсий таълим маркази» томонидан ўтказиладиган турли мавзулардаги давра суҳбатлари, юзма-юз мулоқот ва бошқа тадбирлар кўпчиликда катта таассурот қолдирапти. Зеро, мақсадлар муштарак бўлган жойдагина турмуш фаровонлиги ошиб, ютуқлар салмоғи кўпаяверади.



О'ZLIDER ТАРАФДОРЛАРИ СӨНИ ОРТМОҚДА

О'ZLiDeP гоё ва мақсадларининг ҳаётини қарашлар билан ҳамроҳлиги партия тарафдорларини кундан-кунга ортишига сабаб бўлмоқда. Андижонлик Элёрбек Ниязов ҳам ўз тақдирини О'ZLiDeP билан боғлаган фаол аъзолардан. Яқинда у етакчилик қилаётган «Kvadro Media Print» МЧЖда ҳам БПТ тузилди. Маҳаллий аҳоли учун полиграфия ва реклама маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, компьютер ва фото хизмат турларини тақлиф этаётган жамоанинг энг ташаббускор аъзолари саналган БПТ фаоллари дастурий вазифаларни бажариш ҳамда партиянинг устувор мақсадлари ижросини таъминлашда куч-ғайратларини аямайптилар.

117 ТА БИТГА ЯНГИ ЕТАКЧИ САЙЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикасидаги бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 117 та БПТга янги раис сайланди. Партия фаолиятига қизиққан, унинг мақсад ва вазифаларини теран англай олган, ҳаётини таъминлашга эга бўлган 465 нафар бошланғич партия ташкилоти етакчиларига эса яна қайта ишонч билдирилди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Бундай ҳолат ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Яъни ҳеч нарса ўз-ўзидан иллатга айланмайди. Агар бундан бир неча минг йиллар илгари яшаган халқлар олдин дарахтни кесиб, сўнг мевасини истеъмол қилган бўлса, инсониятнинг бугунги авлоди ҳам цивилизация баҳонасида табиат инъом этган бойликларни талон-тарож қилишда давом этмоқда. Табиатга нисбатан бундай зуғум ва мавжуд сув ресурсларидан меъеридан ортиқ фойдаланиш эса оби ҳаёт манбаи бўлган сувнинг бир томчисини ҳам олтинга айлантираяпти. Шу боис кимдир сувни ариқ, дарё ёки кўлдан олиб ичса, яна кимлардир қудуқ қазиб, минг захматлар билан сув чиқараяпти. Баъзилар эса ташналикни қондириш учун ёмғир ёки қор ёғишини кутиб яшамоқдалар



Чанқоқ таҳдиди

АЙНИ ПАЙТДА САЛКАМ 7 МЛРД. АҲОЛИНИНГ 2 МЛРД. ГА ЯҚИНИ ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИГА МУҲТОЖЛИК СЕЗЯПТИ

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Сув танқислиги дастлаб қашшоқ мамлакатлар, хусусан, Африка қитъасида пайдо бўлган бўлса, бугунга келиб энг бой давлатлар ҳам ана шу муаммога рўбарў келмоқдалар. Хусусан, Таиланд, Индонезия, Мексика сув тақчиллиги остонасида турибди. Ҳатто баъзи маъмуотларга қараганда, биргина «қора қитъа»да 2020 йилга бориб иқлим ўзгаришлари туфайли 250 миллионга яқин киши тоза ичимлик сувдан бебаҳра қолиши мумкинлиги айтиляпти. Бундан кўпроқ болалар азоб чекаётгани, айниқса, ачинарлидир. ЮНИСЕФ маълумотларига қараганда, ҳар кун 4 мингга яқин киши яроқсиз сув истеъмол қилиш натижасида ҳаётдан кўз юмаяпти. Ўрни келганда тоза ичимлик сув этишмаслигидан дунё миқёсида ҳар йили 3 млн. га яқин киши вафот этаётганини таъкидлаш жоиз.

Бундай муаммолар Жанубий ва Жануби-шарқий Осиёни ҳам четлаб ўтмаяпти. Айни пайтда ҳатто худудда йирик дарёлар бўлишига қарамай, Хитой ва Ҳиндистон аҳолиси ҳам сув танқислигини ҳис этаётганига ишониш қийин. Бироқ бу аччиқ ҳақиқатдир. Айниқса, Хитойнинг шарқий қисмидаги 600 та йирик шаҳарнинг 550 тасида чучук сув захираси қундан-қунга камайиб бораётгани қайд этилмоқда. Мамлакатнинг айрим худудларида ҳатто ариқ ва қудуқлар ҳам қуриб қолган. Шу боис миллионлаб одамларга ичимлик сув бошқа худудлардан етказиб берилмаётган.

Тан олиш керак: бугунги кунда экологик хавфсизлики таъминлаш, глобал иқлим исийшининг олдини олиш, сайёра аҳлининг тоза ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш инсоният олдидаги энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамонт масаласига айланмоқда. Жаҳон миқёсида ташкил этилаётган халқаро талбирларда ҳам асосан ана шу муаммога алоҳида эътибор қаратилаётган. 2003 йилнинг де-

кабрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 58-сессиясида 2005-2015 йиллар «Сув — ҳаёт учун» халқаро ҳаракатлар ўн йиллиги, деб эълон қилингани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Франциянинг Марсель шаҳрида 2012 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Сув ресурслари бўйича Жаҳон форуми олдидан БМТ томонидан тақдим этилган маърузада ҳам тоза ичимлик сув таъминотидаги мураккаб вазият муҳокама этилган эди. Шунингдек, мазкур ташкилотнинг Озиқ-овқат ва деҳқончилик масалалари бўйича ташкилот — FAO томонидан фойдаланилиши



МАЪЛУМ БИР ДАВЛАТНИНГ ЎЗБОШИМЧАЛИГИ ЭВАЗИГА, ЯЪНИ ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРНИ КЎЗЛАБ ЙЎЛ ҚЎЯЁТГАН ХАТОСИ БОШҚА МАМЛАКАТЛАР АҲОЛИСИНИ ОФИР АҲВОЛДА ҚОЛДИРМОҚДА. БМТ МАЪЛУМОТЛАРИГА ҚАРАГАНДА, БУГҮН ДУНЁДА 260 ДАН ОРТИҚ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАР БЎЛИБ, УЛАРНИНГ 70 ТАСИ ЕВРОПА, 53 ТАСИ ОСИЁ, 39 ТАСИ ШИМОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ АМЕРИКАДА, 38 ТАСИ ЖАНУБИЙ АМЕРИКАДА ВА 60 ТАСИ АФРИКА ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН.

қилинганлиги 120 сантиметрға эриганини ҳисобга олсак, мазкур лойиҳалар ижроси глобал исийш жараёнини нечоғлик тезлаштириб юборишини тасаввур қилиш унчалик қийин эмас. Экспертлар ҳам ичимлик сув етишмовчилиги муаммоси глобал иқлим ўзгариши ҳамда дунё аҳолисининг озиқ-овқат

бўлиб, уларнинг 20 таси ҳарбий ҳаракатлар билан яқун топганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ҳозирда сув билан боғлиқ турли низоларнинг ўчоғи сифатида кўпроқ Яқин ва ўрта Шарқ давлатлари тилга олинаётган. Мисол учун, Туркиянинг Дажла ва Фрот дарёлари узра 22 та туғон ва 19 та электростанциялар

Сурия ва Иордания эса Иордан дарёсига эгалик қилиш йўлида муттасил равишда баҳс-мунозаралар олиб бормоқда. Мазкур дарё оқими устидан асосий назоратни қўлга киритган Исроилнинг фаластинликларнинг сув истеъмолига чеклов ўрнатгани Яқин Шарқ атрофидаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қоляпти. Ўз навбатида, Сурия ҳам Ярмак дарёсининг маълум қисмини ўз мамлаката ичкарасига киритиб олганки, оқибатда Иордан дарёси сатҳи бирмунча камайган. Натижанда Исроил сувни Туркиядан сотиб олиб, танкерлар орқали келтиришга мажбур бўлмоқда. Демак, Яқин Шарқ сув масаласидаги энг қалатис худуд номини олмоқда. Ал-

батта, юқоридагидек ҳолатлар табиатнинг олий неъматларидан бири туфайли дунёнинг айрим худудларида инсонлар бир-бири билан ёвлашаётганини кўрсатапти.

«Кўҳна қитъа»даги вазият ҳам бирмунча мураккабдир. Гарчи Еврохудуд иқтисодий жиҳатдан анча барқарор бўлса-да, бир қатор мамлакатлар кўшни давлатларнинг сув ресурслари ҳисобига яшамоқда. Айниқса, Атлантика океани соҳилларида жойлашган бир неча мамлакатлар даврий қурғоқчиликдан азият чекиб, ичимлик сувни бошқа худудлардан келтиришга мажбур бўлмоқдалар. Сув танқислиги кучайиб бораётган ана шундай бир шароитда Европа Ит-

тифоқи сув ресурсларининг самарали бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва уни тез фурсатларда татбиқ этишга интилоқда. Яна 15 йилдан сўнг сайёрамиз аҳолисининг ҳозирги 40 эмас, балки 47 фоизига тоза ичимлик сув этишмаслиги муаммоси хавф солиши эҳтимолини назарда тутсак, масала нақадар жиддий экани маълум бўлади. Шу боис Еврохудудда сувни исроф қилмаслик, мавжуд захиралардан оқилона фойдаланиш борасида қатор қарорлар қабул қилинапти.

Сув — албатта ҳаёт, саломатлик, қишлоқ ҳўжалиги ва sanoat деганидир. Бунга ҳеч ким инкор этмайди. Аммо ҳозирдан оқибатга қараганда агар вазият шу зайлда давом этаверса, яқин ўн йилларда сувсизлик айрим давлатларнинг иқтисодий тараққиётига ҳам тўсқинлик қилишини таъкидлаш бошладилар. Айниқса, бу таҳликали башоратлардан ичимлик сувдан ишлаб чиқаришда энг кўп фойдаланидан жаҳоннинг йирик компаниялари хавотирга тушмоқдалар. Хусусан, фаолияти ишончли сув етказиб берилишига чамбарчас боғлиқ бўлган Shell, Coca-Cola, Procter & Gamble, Sargill ва бошқа компаниялар ана шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, XXI асрга келиб инсоният ҳаёти турли синов ва машаққатларга тўла бўлмоқда. Тоза ичимлик сув захираларининг тобора камайиб, унга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётгани эса экологик таҳдиди янада кучайтирмоқда. Ана шу таҳликали вазиятда башарият ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши ва биргаликда глобал муаммонинг олдини олишга интилимас экан, вазият тобора чигаллашиб бораверади.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

ЗИЛЗИЛА УЧОҒИ — ЛУШАН



Хабарларга қараганда, Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида ер силкиниси кузатилган. Зилзила эпицентри Лушан маъмурий худуди экани айтилмоқда. Сичуан қароргоҳида зилзила магнитудаси 7 балга етган.

Сўнгги маълумотларга кўра, табиий офат 200 га яқин кишининг ҳаётига зомин бўлган. Яна 12 мингга яқини жароҳатланган. Касалхоналарда жойлар етишмаётганлиги сабабли уларга махсус чодирларда биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилаётган. Табиий офат худудига ўнлаб кўнгилли сайёҳ ва талабалар, шунингдек, қўшни мамлакатлардан ҳам тез ёрдам гуруҳлари етиб келмоқда.

«GONGKAI» БОР-ИЎҒИ 12 ДОЛЛАР



Финляндиялик мутахассислар дунёдаги энг арзон телефон аппаратини яратдилар. Gongkai деб номланган ушбу уяли алоқа воситисининг нархи атиги 12 АҚШ долларига тенг, дея баҳоланмоқда. Мазкур мобил телефони жуда оддий ва арзон бўлишига қарамай, ўзида Bluetooth, USB каби бир қатор мураккаб функционаллари ҳам жамлаган. Маълумотларга қараганда, телефон тез орада сотувга чиқарилади.

IPHONE СОҲТА ЭКАН



Шу йилнинг март ойида Apple компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 5 миллион донга iPhone смартфонлари қайтариб олинган. Баъзи маълумотларда телефонлар сони 8 миллионга экани баён этилмоқда. Аммо кузатувчилар бу холатни журналистларнинг уйдирмаси, дея баҳоланмоқда. Apple компанияси вакилларининг фикрича, қайтган телефон аппаратларини таъмирлаш харажатлари учун 300 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маблағ сарфланиши мумкин. Экспертлар ушбу хабар Америка компанияси ва унинг қимматли қўғозлар бозорига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлашмоқда.

РЕКЛАМА

«COLLEGIAL PROTECT»

Ўз хизматини таклиф этади

Ҳурматли тadbirkor ва фермерлар! Тошкент шаҳридаги «COLLEGIAL PROTECT» адвокатлик фирмаси мамлакатимизнинг барча худудлари бўйича келишилган нархларда ўз хизматини таклиф этади. Яъни фирма томонидан тadbirkor ва фермерларга зарур юридик ёрдам кўрсатилиши таъминланади. Бу эса соҳа раванки ва қонунийлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мурожаат учун телефонлар:
8(371) 269-00-40,
(+99890) 982-41-68, (+99893) 502-62-99.
Хизматлар лицензияланган!

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХўЖАЛИКЛАРИ, ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТГА!

Анджон шаҳридаги «ИДЕАЛ ИНТЕР ФАРМ» МЧЖ чекланмаган миқдорда металл сеткаларини етказиб беришини маълум қилади. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, буортмачи илтимосига кўра, махсус етказиб бериш учун транспорт хизмати кўрсатилиши мумкин.

Манзил: Анджон шаҳри, А.Йўлдошев кўчаси, 3а-уй. Тел: (+99890) 540-11-01; 200-11-01; (+99891) 490-21-59
Махсусом сертификатланган!

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ Бўйича ЛОЙИҲА ХўЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИ Бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа хўжжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа хўжжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

Танловда қатнашиш учун кўйидаги хўжжатлар тақдим этилиши лозим: Ариза (намунга бўйича); Инвестиция таклифи (намунга бўйича); Инвестиция таклифи паспорти (намунга бўйича).

Батафсил маълумот учун: Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08; Web-sayt: www.fipd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com

СЎНГГИ САҲИФА

Билим, қобилият ва иқтидор намоиши

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Сардор ТОЖИБЕВ,
УзА мухбири



Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар қим билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатлангани мустақамланган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, қонунлар қабул қилиниши самарасида ёшларнинг ақлий, жисмоний ва маънавий ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Моҳиятига кўра ноёб Калдрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг ҳаёта таъбиқ этилаётгани юксак натижалар бермоқда.

Истиқлол йилларида таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 мингта мактаб қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, ўқув жараёнининг сифати ва усубий янгилашга доир чоралар кўрилди. 1500 дан зиёд касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилиб, замонавий ўқув-лаборатория, компьютерлар ҳамда ишлаб чиқариш ускуналари билан таъминланди. Айни пайтда Ўзбекистонда ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш учун давлат сарф-харажатлари ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Бу мамлакатимизда мазкур соҳага нечоғли катта эътибор берилётганидан далолатдир.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий ўқув юрғларида жаҳон таърибаси инобата олинган ҳолда, давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда. Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув базасини мустақамлаш, ўқув-тарбия жараёнига янги стандартлар, илгор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этишга доир кенг қўлланма ишлар давом эттирилмоқда. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда

қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб, мактабларнинг биринчи синфидан хорижий тилларни узлуксиз ўқитиш тизими жорий этилади. Президентимиз томонидан кўрсатилган ҳамўрлик ва эътиборга жавобан, ёшларимиз турли халқаро мусобақалар ва фан олимпиадаларида юқори натижаларга эришмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимиздан 253 нафар ўқувчи турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда қатнашиб, 21 олтин, 51 кумуш, 90 бронза медали, шунингдек, юздан ортиқ дипломга эга бўлди.

Халқаро жамоатчилишни Ўзбекистонда таълим соҳасида гулланган таъриба ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижалари, юқори маълумотли, интеллектуал ривожланган авлодни тайёрлаш давлатнинг роли билан кенг таништириш мақсадида 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзuida халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг 48 давлатидан, саккизта халқаро ташкилот ва таълим жағмармаларидан 300 нафар-

га яқин эксперт иштирок этди. Улар Ўзбекистон таърибасини ўрганиб, ҳар томонлама барқамол, мустақил фикрлайдиган, ўз қараши, таллови ва қатъий фуқаролик позициясига эга шахсни шакллантиришга қараган таълим тизимини ислоҳ қилиш принципларини кўлаб-қувватлади. Шуниси эътиборлики, жорий йил 24-30 апрель кунлари мамлакатимиз кенг қўламли ва аҳамиятли халқаро интеллектуал мусобақалардан бири — мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадасига яна мезбонлик қилмоқда. Бундай таъбирларни ўтказиш бўйича мавжуд таърибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда катта тайёрлик ишлари амалга оширилди. 2008 йилда Ўзбекистонда кимё фани бўйича 42-халқаро Менделеев олимпиадасининг ўтказилгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Иштирокчиларнинг назарий ва таъриба вазифаларини бажариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган, олимпиада доирасида қизиқарли маданий-маърифий таъбирлар ўтказиш режалаштирилган.

24 апрель куни М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиалида кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Қозғистон, Қирғизистон,

ҲОЙДАЛИ БИТИМ



ЯНА 100 ТА «МЕРСЕДЕС»

«Тошхашартрансизмат» уюшмаси раиси ўринбосари **З.Абборовнинг** таъкидлашича, **Вазирлар Маҳкамаси** фармойишига асосан, **жорий йилнинг январь ойида Германияда бўлиб кайтган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ғаниев** бошчилигидаги делегация «Даймлер» компанияси раҳбарияти билан **Тошкент шаҳри учун 100 дон «Мерседес» харид қилиш юзасидан шартнома имзолаш бўйича музокаралар олиб борган.** Аҳамиятлиси, ана шу музокаралар давомида шартноманинг умумий қиймати 14,8 млн. еврадан 14 млн. еврага туширилган.

— Келишувга мувофиқ, яқин орада пойтахтимизга ҳар бири 137,5 миң евролик 100 та автобус ҳамда ҳар бир автобус учун 2500 евролик, умумий қиймати 250 миң еврога тенг бўлган эҳтиёт қисмлар олиб келинадиган бўлди, — дейди **З.Абборов.**

— Айни пайтда «Тошхашартрансизмат» уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар тасарруфидаги 69 та «Mercedes-Benz 0 345», 273 та «Mercedes-Benz 0 345 Conecto», 30 та «Mercedes-Benz 0 345 Uberland», 500 та «Mercedes-Benz Conecto Low Floor», 10 та «Hyundai» ва 618 та «Isuzu» русумли автобус ҳамда 30 та «71-619 КТ» ва 20 та «Varjo LF» русумли трамвай ҳар куни 1,4 миллиондан ортиқ йўловчига хизмат қилмоқда.

Шўҳрат ХУҲАЕВ тайёрлади.


Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 25 апрель-2 май кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, вақт-вақти билан ёмғир ёғиши, момақалдиққ бўлиши кутилмоқда. Тоғли ва тоғодли ҳудудларда 25-29 апрелда сел келиш хавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсиб, баъзи жойларда 15-20 м/с гача кунаяди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 5-10 даража илқ, кундузи 15-20 даража илқ бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 25-29 апрель кунлари вақти-вақти билан ёмғир ёғади.

Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 18-23 даража илққача кўтарилади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 25-26 апрелда 22-27, дам олиш кунлари эса 20-25 даража илққача ўзғариб туриши кутилмоқда. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 10-15, кундузи 18-23 даража илқ бўлиши кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 18-23 даража илқ бўлади. Тоғли ҳудудларда 25-26 апрель кунлари ҳарорат кечаси 5-10, кундузи 13-18, ҳафта охирига бориб кечаси 1-6, кундузи 8-13 даража илқ бўлиши кутилмоқда.



ХАБАРЛАР



ЦИРК ДИАМЕТРИ НЕЧА МЕТР?

Цирк майдонларининг диаметри бир хил ўлчамда, яъни 13 метр (42 фут)га тенглигини биласизми? Мутахассисларнинг фикрича, ареналарни ана шу ўлчамда барпо этиш — аввал ҳам, ҳозир ҳам профессионал талабларга жавоб беради. Зеро, айнан ана шундай ареналарда ҳаракатланаётган отлар майдон бўйлаб белгиланган тезликда чопиш ҳамда белини арена марказига нисбатан ўзгармайдиган бурчак остида ушлаб туриш имкониятига эга бўлади. Бу эса отлар устида бажариладиган акробатик номерлар учун жуда аҳамиятли шартлардан биридир. Шу ўринда бугунги кун цирк томошаларининг асарчили отлар иштирокидаги саҳналарсиз ўтмаслигини айтиб ўтиш жоиз.

РЕКЛАМА

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

ЦЕНТРИ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРИ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

«NAVOIYAZOT» ОАЖ

савдо дўконларидан «Navoiy Beauty cosmetics» ҚҚнинг «Estelle» ва «La core» косметик воситаларини харид қилишингиз мумкин

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Барча турдаги тўловлар қабул қилинади

Тошкент шаҳридаги савдо дўконидан харид қилиш учун куйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг:

(+99890) 954-74-19

Маълумотлар сертификатланган!

БАТА-СИЛ МАЪЛУМОТ ОЛИШ УЧУН САЙТИМИЗГА МУРОЖААТ ЭТИНГ: www.navoiyazot.uz

СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-25-34, 229-21-68, 229-23-04.
E-mail: sale@navoiyazot.uz